



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 9 июль, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (12.445)

Баҳоси эркин нарҳда



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҚУТ-БАРАКА — ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИКДА

Миллий қадриятларимиз ва эзгу аъёнлар бешиги бўлган маҳаллаларнинг жамиятимизда тинчлик-тотувлик, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёс. Мамлакатимизда истиқлол йилларида маҳалла институтининг мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ислохотлар, ушбу тузилманинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

ласида ҳам бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда қурилиши тугалланган тўрт қаватли болалар боғчасида яратилган шарт-шароит ҳар қандай кишининг ҳавасини тортади. Юз нафар болани қабул қилишга мўлжалланган бу мажмуада тарбияланувчилар хорижий тилларни ўрганиш, спорт, рақс, мусиқа билан шугулланиш имкониятига эга.

Болалар боғчаси мудираси Мактуба Шарипованинг айтишича, маҳалладаги ота-оналарнинг талаб ва тақлифлари инобатга олиниб, муассасада кўни узайтирилган, шанба ва якшанба кунлари фаолият юритадиган гуруҳлар, болаларни мактабга тайёрлаш синфлари шакллантирилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида очилиши режалаштирилган мазкур мажмуа маҳалла болалари учун ҳақиқий байрам тўғрисида бўлади.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида маҳаллаларимизда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори

билан маданий тадбирлар, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Зеро, маҳалла ва оила институтларининг уйғун ривожлантирилаётгани тинч-тотув ва фаровон ҳаётимиз, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликнинг муҳим омилдир. Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Хуросон» маҳал-

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокидаги аънавий республика анжумани олдидан видеомулоқот ташкил этилди.

РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОРДАН ИЛҲОМЛАНИБ...

Унда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Файзиева, Республика «Олима» аёллар уюшмаси раиси Р.Муртазоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳимиятдаги мавқеини юксалтириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани иқтидор соҳибаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини тўғри йўналтириш, юксак салоҳиятли ёшларимиз сафининг тобора кенгайишида муҳим оимил бўлмоқда. 2000 йилдан буён Зулфияхоним издошларига айланган қизлар энди мамлакатимиздаги етакчи илмий-инновацион марказлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларида, олий таълим масканларида самарали меҳнат қилмоқда. Айни пайтда ушбу мукофот соҳибалари Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, Алишер Навоий, Ибн Сино номидаги стипендияларнинг совриндорлари бўлиши билан бирга адабиёт, санъат, таълим, спорт соҳаларида салмоқли ютуқларга эришаётди.

Халқимизнинг энг улуғ ва азиз айёми — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ахборот-

ресурс марказлари, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ёшлар ташкилотларида Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган қизлар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказиладиган ушбу тадбирларда мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси, камолоти, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлидаги чексиз меҳр-эътибор, амалий саъй-ҳаракатларнинг моҳияти ва аҳамияти ёшларга кенг тушунтирилмоқда.

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг иккинчи курс ўқувчиси, моҳир фортепианочи Нодира Дадамухамедова 2010 йилда Зулфияхоним қизлари сафига қўшилган.

Президентимиз томонларидан биз — ёшларга кўрсатилаётган доимий эътибор истеъдодли қизларни янада юксак марралар сари парвоз этишга илҳомлантирмоқда, — дейди Н.Дадамухамедова. — Ана шундай эътибор натижасида 2010-2012 йилларда Руминия, Беларусь, Эстония каби давлатларда ўтказилган халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдим. Бундай меҳр ва ғамхўрлик билдирилган юксак ишончга ҳамиша муносиб бўлишга ундайди.

Видеоулоқот чоғида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, халқимиз, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини кучайтириш, озуқабиланлигини ўрганиш, истеъдодли қизлар сафини кенгайтиришга оид амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах шаҳрида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан фаол ёшлар иштирок этди. Анжуманда турли номинациялар бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

● Фарғона шаҳридаги Аҳмад Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи битирувчиларига мутахассислик дипломи топшириш маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, битирувчилар, уларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Тошкентда «Ахборот-коммуникация технологияларини давлат идораларига татбиқ этишда Корея Республикасининг тажрибаси» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Жанубий Кореянинг Ахборот жамияти бўйича миллий агентлиги (NIA) кўмағида ташкил этилган тадбирда юртимизда фаолият кўрсатётган давлат ҳокимияти идоралари мутахассислари қатнашди.

● Сирдарё туманининг Ҳақиқат қишлоғида «UZTE» бренди остида замонавий мобил телефонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қиймати 3 миллион 160 минг АҚШ долларилик мазкур лойиҳа «Peng-Sheng» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳамда Хитойнинг «ZTE (H.K.) LIMITED» компанияси ҳамкорлигида амалга оширилди. Эндиликда янги ташкил этилган «Pengzhong Xingsheng» қўшма корхонасида мобил телефонлар, жумладан, смартфонларнинг «Grand V», «Grand M» ва «Grand X» турлари ҳамда электрон жиҳозлар ишлаб чиқарилади.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Сан-Франциско шаҳридаги халқаро аэропортда «Boeing-777» самолёти кўниш вақтида халокатга учради. Ушбу фожиа оқибатида икки нафар йўловчи халок бўлган, 182 нафари турли даражада тан жароҳати олган. Сўнгги маълумотларга кўра, фалокатга учувчилардан бирининг тажрибасизлиги сабаб бўлган.

● Жорий йилнинг май ойлари бошларида Калифорния штатидан парвозни бошлаб бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб муваффақиятли учган кўёш батареялари ўрнатилган Solar Impulse самолёти Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди аэропортига кўнгани ҳолда ўз парвозини муваффақиятли якунлади.

● Бортида 9 нафар йўловчи ва учувчи бўлган кичик самолёт Аляскадаги Солдотна шаҳри аэропортидан парвозни бошлаши чоғида ёниб кетган. Ушбу авиаҳалокат натижасида самолёт бортидаги барча кишилар халок бўлган. Ҳозирча йўловчиларнинг шахслари аниқланмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкентда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги: илмий-назарий асослар ва халқаро тажриба» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш ишчи комиссияси ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари, миллий ва халқаро экспертлар, ҳуқуқшунос олимлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сўз эркинлиги принциплари ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилишини кафолатлайдиган қонунчилик базаси яратилди. Чунончи, Асосий Қонуниимизнинг 30-моддасида барча дав-

лат органлари ва мансabdор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Ушбу қоида ва принциплар қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароитлар яратилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев ҳамда бошқалар шу ҳақида гапирди.

Айни пайтда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормалари синовдан ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Мустақиллигимизнинг йи-

гирма икки йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманида жойлашган Зулфия номли ма-

даният уйида «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги «Бобур», «Янгикўрган», «Беҳизор»,

«Тарновбоши», «Янгиобод» маҳаллаларида «Тармоқли маркетинг» усулида савдо қилишнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан давра суҳбати ва ўқув-семинарлари ўтказилди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий ҳаётни янада эркинлаштириш ва демократлаштиришда муҳим ҳужжатлардан биридир. Қонун лойиҳасида жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедуралари белгиланган бўлиб, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлар тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг мазкур қарорлар сифати учун масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Тадбир қатнашчилари ҳуқуқий тажрибаларнинг ўтказилиши қонун ижодкорлиги фаолиятининг замонавий ва самарали услубларидан бири эканини таъкидлади. Мазкур тажрибадан халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда ва бу ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий нормаларининг ҳаётийлигини таъминлаш бўйича жамият ҳамда давлат қурилиши амалиёти билан узвий боғлиқ бўлган, илмий жиҳатдан асосланган тавсияларга эга бўлиш имконини беради. Ҳуқуқий тажрибаларни ўтказиш усули-

дан фойдаланиш миллий қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштиришга кўмаклашади.

Бухоро ва Самарқанд вилоятлари жамоатчилиги ҳуқуқий тажриба бошлангичи ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш тартибининг ўзгаргани тўғрисида маълум қилинди. Масалан, янги талабларга биноан жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун ичида, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш ҳақидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқишли шарт. Бунда ахборот олиш талаблари ёзма, жумладан, электрон ҳамда оғзаки шаклда бўлиши ва бевосита, ахборот олишдан манфаатдор шахсларнинг ваколатли вакиллари орқали юборилиши ҳам мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш принципи «электрон ҳукумат» концепциясининг муҳим услубий қисмидир. Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил январда бўлиб ўтган мажлисида ушбу концепцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган эди. Конференция қатнашчилари «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш бўйича халқаро тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Корея Республикасида «электрон ҳукумат»ни ташкил этиш жараёни тўғрисида маълумотлар тингланди.

– Ўзбекистонда «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш давлат бошқаруви органлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга ёрдам беради, – деди Ўзбекистон ва Кореянинг АКТ соҳасида ҳамкорлик лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Ан Хён Су. – БМТнинг жаҳонда «электрон ҳукумат»ни ривожлантириш ҳолати тўғрисида яқинда эълон қилинган ҳисоботида мамлакатингизда «электрон ҳукумат»ни жорий этиш, жумладан, тегишли ҳуқуқий асосларни мунтазам тақомиллаштириш ҳамда ҳукумат порталини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юқори баҳоланган.

Тадбирда Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури экспертларининг турли мамлакатларда давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш услуби тўғрисидаги маълумотлари тингланди. Шунингдек, конференция иштирокчиларига жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ахборот хизматлари фаолиятини тақомиллаштиришга доир лойиҳаларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида амалга ошириш амалиёти ҳақида ахборот тақдим этилди.

Конференция якунида ҳуқуқий тажрибаларни ташкил этиш услубларидан фойдаланиш асосида миллий қонун ижодкорлиги тизимини тақомиллаштириш, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга доир вазифаларни самарали амалга оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Қарор ва ижро

ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ – ЗИЛЗИЛАДАН ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

Миллий матбуот марказида Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келадиган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича халқаро стратегияси маълумотларига кўра, ўтган ўн йилликда зилзила билан боғлиқ кенг қўламли хавфлар юзага келган. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фавқулодда вазиятлар, хусусан, зилзилаларнинг олдини олиш, улар рўй берганда ҳаракат қилиш ва тайёргарлик кўриш тизимини яхшилашга доир ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармасидан маълум қилишларича, мамлакатимизда давр талаблари инobatга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ва 2011-2015 йилларга мўлжалланган ушбу комплекс дастур бундай ҳолатлар натижасида одамларнинг нобуд бўлиши ва вайронгарчиликлар сонини камайтиришга қаратилган. Бунга аҳолини юзага келиши мумкин бўлган бундай вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими самардорлигини ошириш, ушбу йўналишдаги маълумотларни кенг тарғиб қилиш, кўнгилли кутқарув дружиналарини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш орқали эришилади.

Ўқувчи ва талабаларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурда кўзда тутилган асосий вазифалардан биридир. Мазкур талаблар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг биргаликдаги сайёҳ-ҳаракатлари билан мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Турли фавқулодда вазиятлар рўй берганда ҳаракатланиш бўйича ахборот-тушунириш плакатлари тўплами чоп этилиб, таълим муассасаларига етказилди. Соғлиқ ва ҳаёт хавфсизлиги асослари, сейсмология, сейсмометрия ва бошқа мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлаш дастурлари тасдиқланди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида «Ёш кутқарувчи» кўнгиллилар клублари ва улар ўртасида уч босқичли мусобақа ўтказилишини ташкил этиш ишларини амалга оширмоқда.

Маҳаллалар маъмуриятини қамраб олиш кейинги йўналишдаги ишлар сирасига кирди. 2013 йилнинг биринчи ярим йилида Фуқаролар йиғини кенгаши ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг 3600 нафардан зиёд аъзоси зилзила оқибатида юзага келадиган фавқулодда вазиятларда маҳаллаларда бирламчи авария-қутқарув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича 14 соатлик дастур асосида ўқитилди. Бу ишларда маҳалла аҳли эътибордан четда қолмади. Жорий йилнинг ўтган олти охи мобайнида жойларда 19,8 мингдан зиёд киши жалб этилган ҳолда, 66 махсус тактик, 38,6 мингдан ортиқ киши жалб этилган ҳолда эса 24 кўмондонлик-штаб ўқув машқлари ўтказилди.

Аҳолини зилзила оқибатида юзага келадиган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурида ахборот-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институти ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан давлат тилида «Зилзила. Ҳаёт ва фаолият хавфсизлиги» номли икки серияли илмий-оммабоп ҳужжатли фильм тайёрланди, эфирга узатилди. Фавқулодда вазиятлар юзага келишининг хусусият ва сабабларини, шунингдек, зилзила хавфи туғилганда аҳолининг амалий ҳаракатларини кўрсатиб берадиган қисқа метражли илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмлар тайёрланди.

(ЎЗА)

ҚУТ-БАРАКА – ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИКДА



Авло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Фарход» дехқон бозорига туташ мазкур маҳалла асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Худудда ўттизга яқин миллат вакилларида иборат 11,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар бардавонлигини таъминлаш доимо эътиборда.

– Шу маҳаллада яшаётганимиз ярим асрдан ошди, – дейди ЎЗА мухбирига етмиш ёшли Нина Филиппова. – Қўни-қўшинга ҳурмат, ўзаро меҳр-оқибат ҳукмрон бўлган бундай юртда яшашнинг ўзи катта бахт. Ахир ўзгалар меҳрини туйиш инсонга ҳузур, яшашга иштиёқ уйғотди. Бундай шарт-шароитни таъминлашга бош-қош бўлаётган давлатимиз раҳбаридан жуда миннатдоримиз.

«Хуросон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшан Зайниддиновнинг айтишича, маҳаллада Мустақиллик байрами муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишлари кизгин давом этмоқда. Кўп қаватли уйларнинг йўлакларини таъмирланиб, эшикларини янгилади. Уйлар ён-атрофи – доим озода ва саришта.

Ободлик кўнгилдан, оstonадан бошланади. Тинч, тотув ва обод юртда бай-

рамлар файзли ўтади. Маҳалладаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада ҳам шунга монанд манзарани кузатиш мумкин. Акримлар, уруш-жанжаллар деварли учрамаётгани шундан далolat. Бунда маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марғуба Одилваннинг «Оилани ўрганиш» дафтарини йўлга қўйгани ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу жараёнда ҳар ҳафтада бир неча оила белгилаб олиниб, ундаги шарт-шароит ва муаммолар чўқур ўрганиб чиқилади. Ҳамжиҳатликда ҳар қандай муаммони бартараф этишнинг чораси топилади. Бу эса оилалар мустақамлигига хизмат қилмоқда.

Маҳалладаги «Ораста қизлар» тўғраги маҳалла қизларини турмушга тайёрлашда ёрдам бермоқда. Тўғрақ машғулотларига катта ҳаёт тажрибасига эга онахонлар, олималар, шифокорлар таклиф этилиб, қизларга ҳаёт сабоқларидан ўргатишади. Бу эрта турмушининг олдини олиш, ёшларнинг ҳаётга бўлган муносабати тўғри шаклланишга йўл очмоқда.

Мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити самаралари «Хуросон» маҳалласида ҳам ўз ифодасини топтомоқда. Ўндан ортиқ тадбир-

корлик субъекти, ўқув курслари ташкил этилган. Бу маҳалла аҳолисини, айниқсан, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда маҳаллада яшовчи 38 нафар йигит-қиз касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни тамомлади. Улар устозлари, маҳалла фаоллари кўмағида иш жойларига эга бўлди. Жумладан, 1-республика тиббиёт коллежини битирган Матлуба Илҳомова «Муҳиддин» хусусий корхонасига қарашли дорихонада фармацевт сифатида фаолият бошлади. Чилонзор радиотехника касб-ҳунар коллежи битирувчиси Александр Давидов эса «Ҳожи ота» савдо ва хизмат кўрсатиш хусусий фирмасига компьютер оператори бўлиб ишга кирди.

Ёш тадбиркор Жамолддин Болтаев онган тикувчилик цехида ўнга янги ҳатин-қиз доимий, яна ўнлаб аёл касаначилик асосида ишламоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада ҳар бир инсон ўз орзу-интилишини рўёбга чиқариш, шу билан оиласи, маҳалла-қўй, эл-юрт ободлигига ҳисса қўиш ҳаракатида. Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир.

Норгул АБДУРАИМОВА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Танловлар

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими – маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик, аҳиллик, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш ва оилаларни мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, миллий қадриятларни эъозлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўиш келмоқда.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Бектемир туман босқичи «Астрообд» тўйонасида ўтказилди. Кўрик-танловда тумандаги 12 та маҳалла иштирок этди. Туман ҳудудидаги барча фуқаролар йиғинлари фаолияти Низомда белгиланган мезонлар асосида ташкилий кўмита ҳамда ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилди. Яъни барча маҳаллаларнинг иш фаолиятлари, ҳужжатлари ва маҳалла ҳудудидаги ободонлаштириш ишлари ўрганилиб, баҳоланди.

– Кўлга киритган ютуғимиз нафақат менинг, балки барча фаолларимиз, жамоатчилик комиссиясининг ютуғидир, – дейди танловнинг биринчи ўрин соҳибига «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмон Раҳимов. – Маҳалла ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилади. Бундан ташқари санитария ҳолатларига ҳам масъулият билан ёндашилади. Бугунги кунда маҳалламизда 17 та миллат вакиллари тинч-тотув, аҳилликда яшамоқда. Оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, қалбларда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш лозимлигини аҳолига тушунириб келамиз.

Танлов натижасига кўра Усмон Раҳимов раислигидаги «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, «Зилола» маҳалла фуқаролар йиғини иккинчи ва «Бектемир» маҳалла фуқаролар йиғини учинчи ўринни эгаллашди. Танловнинг гоилиб ва совриндорларига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг Бектемир туман бўлинимаси ва ҳомийлар томонидан совғалар тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЯНГИ ИННОВАЦИЯ ИШЛАНМАЛАРИ – ҲАЁТГА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ соҳада самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксиз тақомиллаштирилиб, янги технологиялар ўзлаштирилмоқда, мамлакатимиз фармацевтика бозорини сифатли дори-дармон билан таъминлашга оид амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти директори, техника фанлари доктори Шомансур САЪДУЛЛАЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбирига институтда бу борада амалга оширилаётган инновацион фаолият натижалари ҳақида қўйидагиларни сўзлаб берди:

– Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида илмфан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаштиришни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўларoқ, мамлакатимиз олимларининг инновацион ишланмалари, улар томонидан яратилган илгор технологиялар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Дори препаратларини яратиш ва уларни sanoat миқёсида ишлаб чиқаришга кўмаклашиш институти-миз фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистоннинг бой баёбот дунёси, хусусан, хорижда ўхшаши йўқ дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш имконини бераётди. Сўнгги 20 йилда институти-миз мутахассислари етмиш турдан ортиқ ўсимликни ўрганди, юзга яқин табиий бирикмаларини ажратиб олди. Дунёда илк бор тиббиётда «Аллагинин» антиаритмик препарати жорий этилиб, Ўзбекистон ва чет элда ҳаётини муҳим дори воситалари рўйхатига киритилди.

Инсоннинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятини оширадиган «Экдистен» препарати – муваффақиятли инновацион ишланмалардан. Шу билан бирга, «Жистен» препаратидан кўп йиллардан буён «Кристиан Диор» компанияси бир неча ўн турдаги пардос маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланиб келмоқда. Институти-миз олимлари яратган «Флатерон» препарати эса қонда холестерин миқдорини камайтиради, липид алмашинуви бузилган одамларда инсульт ва инфаркт миокардининг ривожланиш хавфини камайтиради. Истиклол йилларида неврологияда кенг қўлланиладиган галантанин субстанциясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Radiks» корхонасида ундан «Радалин» савдо белгиси остида ампула ва таблетка шаклида тайёр препаратлар ишлаб чиқарилмоқда.

Жигарнинг функционал ҳолатини қайта тиклайдиган «Фланорин», кекса ёшда физиологик бузилишларни тузатадиган «Герофитол», «Кавергал» антигипоксик препаратлари энг сўнгги ишланмалар. Институтида ишлаб чиқарилаётган, қувватини оширувчи, адаптоген ва имунитетни кучайтирадиган «Экзумид» – таомга биологик фаол қўшимча ҳам кенг қўлланилмоқда.

Бундай ютуқларга олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги натижасида эришилди. Фундаментал тадқиқотлар, амалий ишланмалар ва инновацион лойиҳалар натижаларини sanoatда ўзлаштириш механизми йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда имзоланган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан мунтазам ўтказиб келинаётган Инновацион гоилар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркалари мамлакатимиз бозорига янги дори воситаларини чиқариш имконини бераётди. Жорий йил ўтказилган ярмаркада фармацевтика тармоғи вакиллари билан умумий қийматли икки миллиард сўмдан зиёд аллагинин, альбендозол, галантанин ва бошқа препаратларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди. Хар йили экспорт қилинаётган ўсимлик субстанциялари қиймати 1,5 миллион долларга етди.

Асосий вазифамиз импорт ўрнини босадиган дори воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортга мўлжалланган препаратлар тайёрлашни ташкил қилишдир. Ички бозорда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар улушини кўпайтириш устида ишламоқдамиз. Шу мақсадда айни пайтда институти-миз томонидан субстанцияларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқарадиган корхонани модернизация ва реконструкция қилиш, бу борада халқаро талабларга мувофиқ тадқиқотлар ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

И.ДОЛЕНКО
ёзиб олди

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, тиббиёт соҳасида яратилаётган янгиликлар, қўлга киритилаётган ютуқлар замирида инсон саломатлигини муҳофазалаш, даволаш ва турли касалликларнинг олдини олиш борасидаги муҳим вазифалар мужассамлашган.

Саломатлик

ТУМАНДА ЯНГИ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ МАРКАЗ

Тиббиёт соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазала қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар қўлама янада кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони эса ўзига хос дастуруламал бўлмоқда.

Унда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида юртимизда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий тиббиёт муассасаларининг тармоғи янада кенгайтирилди. Бинобарин, беш поғонадан иборат, самарасиз ишлайдиган, кўп харажат талаб этадиган эски тизим ўрнида замонавий, ихчам, аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга мўлжалланган тиббий-профилактика тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида ихтисослаштирилган шифохоналар, барча қўлайликларга эга оилавий поликлиникалар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла

таъминланиб, аҳолига тез, қўлай ва сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Яқинда, шаҳримизнинг «Хайробо» маҳалласида янги Чилонзор туман тиббий-ижтимоий маркази очилди. Ушбу замонавий марказ Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси, 35-оилавий поликлиника, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг туман бўлими, Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида қад ростлаб, ўз фаолиятини бошлади.

Марказнинг очилиш маросимида маҳалла фаоллари, шифокорлар ва ёшлар сўзга чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган лойиҳалар, янги бунёд этилаётган тиббий марказларнинг вазифалари хусусида фикр юритдилар.

«Соғлом она — соғлом бола» таъмоили асосида олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, — дейди Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳайи Саидкаримова биз билан суҳбатда. — Хотин-қизларнинг жамиятдаги

мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни дунёга келтирувчи оналар саломатлигига эътибор бериш борасидаги амалга оширилаётган ишлар негизида оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси мужассам. Келажаги порлоқ болажонларнинг, ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом бўлиб етишишда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу янги тиббий марказ ҳам аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш ва яхшилашда намунали хизмат кўрсатади деган умиддамиз.

35-оилавий поликлиника ҳудудида очилган янги марказнинг нафақат «Хайробо» маҳалласи аҳоли, балки туманимизда истиқомат қилаётган ва ёрдамга муҳтож барча фуқаролар учун бирдай самарали хизмат қилиши кўзда тутилган. Шунингдек, туман миқёсида бундай тиббий марказларнинг яна бир нечасини очишни ҳам режалаштирилган.

Дарҳақиқат, ушбу тиббий-ижтимоий марказнинг фаолият бошлаши хонадонларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, аҳоли репродуктив сало-

матлиги, жисмоний маданияти, ҳомиладор аёллар, кексалар, ёшлар гигиенаси, овқатланиш маданияти ва инсон саломатлигига боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича олиб борилаётган ишлардан кичик бир мисолдир.

Чилонзор тумани тиббий-ижтимоий марказида ҳафта кунлари кесимида иш олиб борилади. Жумладан, душанба нуронийлар, сешанба ҳомиладор аёллар, чоршанба болалар ва ўсмирлар, пайшанба хонадон ва экология, жума — аёллар ва қизлар, шанба кунлари эса ўқув муассасалари кунлари деб эълон қилинди.

Янги марказда аҳолига барча хизмат турлари бепулдир. Бирламчи тез тиббий хизмат маҳаллада умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамширалари, тор мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Тадбир доирасида «Ораста қизлар» гуруҳи аъзоларининг қишлоқлари намойиш қилинди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: Чилонзор туман тиббий-ижтимоий марказининг очилиш маросимидан лавҳа

Ислом Исмоилов
олган сурат

Юнусобод туман ҳокимлиги ташаббуси билан Бўстонлиқ туманида жойлашган «Автомобилчи» оромгоҳида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» деб номланган тадбир ташкил этилди.

«Ёз — 2013»

ОБОД ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Тадбирда адабиётшунос олима Мукаррама Мухиддинова, шоира Ақида Азизова мустақиллик берган неъматлар, юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритдилар.

Шунингдек, республика Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази ходимлари томонидан «Оммавий маданият — юртимиз келажакга таҳдид», «ОИТС ва ОИВ инфекцияси», «Ўз умрини увол қилма» мавзуларида маърузалар қилинди. Тадбир доирасида «Миллий қадриятларимиз — беқийс бойлигимиз» шиори остида «Қамолот» ЁИХ Кенгаши томонидан миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, «Мен ҳам чемпион бўламан», «Мен обод юрт фарзандиман», «Биз баркамол авлод-

миз» шиорлари остида спорт мусобақалари, маҳорат дарслари, асфальтга расм чизиш бўйича беллашувлар, бисер, каштачилик тўғрисидаги кўрсатмалар, қўғирчоқ театри намойишлари ва шоу-концерт дастурлари бўлиб ўтди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими раҳбари Н. Абдурахимова, — соғломлаштириш мавсумида болаларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш, маънавий-маърифий ишлар қўламини янада кенгайтириш, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга эришиш, вояга етмаган ёшларни ёт ғоялар ва менталитетимизга хос бўлмаган унсурлардан химоялашдир.

Зафар НАЗАРОВ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Чилонзор тумани Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тумандаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти етакчиларидан иборат жами 200 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

Ҳозирда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб, лицей, коллеж, университет, маҳалла ҳамда корхона ва ташкилотларда ушбу илатга қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида турли тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказилаётди. Уларда ёшларимизни мана шундай «савдо» билан шугулланган айрим кимсаларга алданиб қолмасликлари учун тушунтириш ва маслаҳатлар берилмоқда.

Барчамиз, чет элга бориб ишлаб келганларнинг ҳаммаси ҳам мўймай даромадга эга бўлолмаганининг гувоҳимиз. Она юрtdан узоқда, қорни нонга тўймай, қийин шароитларда ишлаб, ҳеч қандай даромад қилолмасдан уйига қайтаётганлар қанча. Бу ҳам етмагандай отир бир дардга чалиниб, касалманд бўлиб қолган ватандошларимиз бунинг ақвол исботидир.

Эрак киши чет элга чиқиб қийинчиликларни бошидан ўтказса «ҳа, эрак кишику, соғлигини тиклаб

ХУНАР ЎРГАНИБ, ХОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДАЛАР

Миробод туманида жойлашган 218- умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган кундузги «Қалдирғоч» номли соғломлаштириш оромгоҳида болажонлар мириқиб дам олишмоқда.

Мазкур оромгоҳда болалар учун уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Шунингдек, ҳар кун турли қизиқарли кўнгилочлар ўйинлар ўтказилади. Улар фақат ҳордиқ чиқарибгина қолмай «Моҳир қўллар», шахмат-шашка тўғрисида ҳам қатнашувлари мумкин. Ўқувчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда умумтаълим мактаби ўқитувчи-тарбиячиларига бириктириб қўйилган.

— Фарзандларимизнинг таътил кунларини янада мазмунли ҳамда бўш вақтларини унумли ўтказишга хизмат қилаётган бу каби соғломлаштириш оромгоҳларида болажонлар мароқли дам олишмоқдалар, — дейди 218-умумтаълим мактаби директори Мавжуда Ўринбоева. — Бу ерда улар бўш вақтларини фойдали машғулотларга сарфлайдилар. Масалан, ўзлари қизиққан тўғралакларда маълум бир ҳунарни ўрганишлари мум-

кин. Ёки турли ўйинлар боланинг зукколиги, дунёқарашининг ўсишига ёрдам беради. Бундай оромгоҳларнинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, улар ўз оилаларидан узоқлашмаган ҳолда ириқиб ҳордиқ чиқарадилар. Болалар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам мамнун.

Болаларнинг таътил кунларида шундай оромгоҳларда дам олиши ёз фаслида юз бериши мумкин бўлган турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутаяди. Айтиб ўтиш лозимки, бу каби соғломлаштириш оромгоҳлари туманда жойлашган бошқа мактабларда ҳам ташкил қилинган.

Садокат АЛИЖОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими янада тақомиллаштирилмоқда. Халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам муҳим тадбирлар кўрилмоқда.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

— Етакчи хорижий таълим муассасалари таърибасига таянган ҳолда олий ўқув юрти ва унинг ҳудудий филиалларида мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликлари қайта қўриб чиқилди, — дейди уни-

верситет ректори Ҳаким Мухиддинов. — 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб биз қуйидаги кундузги бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислари бўйича қабул эълон қилдик. Жумладан, бакалаврият бўйича «Телевизион тех-

нологиялар», «Аудиовизуал», «Почта алоқаси технологияси», «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» ва бошқа йўналишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб йўналишларга асосий фанлардан ташқари, чет тилидан ҳам имтиҳон ўтказилиши белгиланган.

Баҳром АХМЕДОВ

Ўқув масканларида

БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Чилонзор туманидаги 1-республика тиббиёт коллежида «Одам савдосига қарши курашиш фуқаролик бурчимиз бўлсин» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

меҳнат қилиб пул топса ҳаммаси унут бўлиб кетади» деймиз, аммо аёллар бундай ҳолатга тушсачи, уларнинг бутун ҳаёти издан чиқиб кетмайдими? Минг афсуски, бугунги кунда ёш қиз ва аёлларимизни ҳам чет элга яхши ўқиш ёки иш тақлиф қилиб сотиб юбориш ҳолатлари учрамоқда. Кўплав қизларимизнинг ҳаёти бузилиб, ўзлари эса касалманд бўлиб не-не азобларда Ўзбекистонга қайтмоқда. Тадбирда шулар хусусида ёшларга батафсил тушунтиришлар берилди.

— Бугунги тадбирдан биз ўзимизга жуда кўп нарсалар олдик, — дейди мазкур коллежнинг иккинчи босқич та-

лабаси Гўзал Жўраева. — Телевизор ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали одам савдоси ҳақида эшитган эдим. Мазкур семинар-тренингда унинг оқибатлари ва бу савдога аёллар ҳам ўлжа бўлаётгани ҳақида маълумотга эга бўлдим. Бундай тадбирлар биз каби ёшларга ҳар кимга алданиб қолмаслигимиз учун амалий ёрдам беради.

Давра суҳбати давомида одам савдоси қурбони бўлганлар ҳақида видео роликлар ва сахна кўринишлари намойиш этилди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

Огоҳлик

ФАРЗАНДЛАРИНИГИЗНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Ёз мавсумининг илк кунларидан бошлаб кун қизиб кетди. Шубҳасиз, об-ҳавонинг тобора исиб кетиши туфайли одамларнинг сувда чўмилишга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб бориши табиий. Афсуски, сувга чўкиб кетиш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳодисалар ҳам учраб турибди. Сувга гарқ бўлиш ҳолатларининг аксарияти қўриқланмайдиган сув ҳавзаларида кўпроқ кузатишмоқда. Ачинарли томони шундаки, сувда чўкаётганларнинг кўп қисмини болалар ташкил этади. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишиларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қондаларига риоя қилмаслик ва бошқа омиллардир.

Умумий таҳлилларга қараганда, чўмилиш ҳавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик, ёш болаларнинг катталар томонидан назоратсиз қолиши, чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера олмаслик, яъни қутқарув усулларида беҳабарлик, қирғоқдагиларга ёрдам кўрсата билмаслик сувда чўкиш ҳодисалари сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, сузиш пайтида енгилтаҳлик ёки лоқайдлик билан ўз қучига ортиқча ишониш, сув ва қайиқда безорилик ёки номуносиб хатти-ҳаракатлар қилиш ва нотаниш жойда ёлғиз ҳолда чўмилиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган эслатмаларга ҳар бир инсон риоя қилса, бир қанча нохуш ҳодисаларнинг олди олинган бўлар эди.

Ҳурматли ота-оналар! Болаларингизни сувга чўкиб кетиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан асрашни истасангиз доимо огоҳ бўлишингизни, фарзандларингизни ҳеч қачон назоратсиз қолдирмаслигингизни маслаҳат берамиз.

Тошкент шаҳар
Фавқуллода вазиятлар бошқармаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичида-босқич охири бўлиш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Тошкент шаҳри, Олмазор тумани суд ижрочилари томонидан 31.05.2012 йилдаги 13278/17-сонли ижро ҳужжати асосан «Моҳи Нур Хўш» ХКда сақланаётган, «Матиз» русумли д/р 01/271QAА бўлган, 2009 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 769 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 13 август кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 9 август кунини соат 18:00.

Автотранспорт билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар — мулк бошланғич баҳосининг 10% фойзидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини: тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.fmm.uz. Гувоҳнома №006231.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси охири бўлиш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Савдоларга Ҳамза туман СИБ томонидан ЖИБ Ҳамза туман судининг 26.12.2011 йилдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м бўлган ер/тулли, икки қаватдан иборат бўлган бино. **Бошланғич баҳоси — 1 859 800 000 сўм.**

II. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шохимардон кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв.м бўлган, 1 қаватли 4 та бино, 1 та ишоот ва 1 ёрдамчи ишоотдан иборат кўчмас мулк. **Бошланғич баҳоси — 1 714 061 000 сўм.**

Савдо 2013 йил 13 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 9 август кунини соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% фойзидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

Ҳурматли юртдошлар!

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акциядорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сыхатгоҳларида табиат қўйнида ҳордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишни тақлиф қилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65-уй.

Телефонлар: 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги 35-умумтаълим мактаби томонидан 2012 йилда Айдаров Руслан Сайдулла ўғли номига берилган U №5627319 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилором Илхомовна Аҳмедовага волидаи муҳтарамаси Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтини фармакология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Санъат АЗИЗОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

